

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 8 (1187) 2019 йил 21 февраль

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



ТАДБИР

ХАЛҚ МУРОЖААТИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан Миллий матбуот марказида «Мурожаатлар билан ишлаш: янгича тизим ва ёндашув» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда банк ходимлари, соҳа мутахассислари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, 2018 йил давомида «Қишлоқ қурилиш банк» жамаъати Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал

қабулхонаси, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк орқали ҳамда тўғридан-тўғри жисмоний ва юридик шахслардан келиб туш-

ган мурожаатлар сони 1745 тани ташкил этган.

— Афсуски, ўтган йилги аҳоли мурожаатлари билан боғлиқ айрим нохуш ҳолатлар ҳам кузатилди, — дейди «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Юридик департаменти бошлиғи Эркин Атабоев. — Гап шундаки, айрим юртдошларимиз бир масала юзасидан бир эмас, бир неча маротаба мурожаат этган.

(Давоми 2-саҳифада)

Халқ банки замонавий хизмат турлари бўйича пресс-тур ўтказди

Айни кунда кўплаб вазирлигу ташкилотлар томонидан журналистлар учун турли тадбирлар, матбуот анжуманлари, пресс-турлар ташкил этиб келинмоқда. Афсуски, уларнинг барчаси ҳам бирдек ОАВ вакиллари учун қизиқарли ўтавермайди. Биринчи маълумотлар кам бўлса, биринчи интервью берадиган киши топилмайди ёки берган саволинг очик қолади.

Сўнгра тадбирни ёритиш масаласи ҳам шунга яраша бўлади. Аммо ташкилотчилик борасида бошқаларга ўрналган бўларли муассасалар ҳам борки, уларнинг барча анжуманлари ўзига хос тарзда ўтади. Ана шун-

дай ташкилотлардан бири АТ Халқ банкидир. Яқинда банкнинг журналистлар учун ташкил этган навбатдаги пресс-тури ҳам ана шундай таассуротларга бой тарзда ўтди.

Халқ банки Тошкент

шаҳар Амалиёт бўлимида бўлиб ўтган пресс-турда журналистлар банк томонидан тақдим этилаётган замонавий банк хизмат турлари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Маълумки, Халқ банки юртимиздаги энг кўп тармоққа эга бўлган, универсал банклардан бири бўлиб, банк томонидан аҳоли ва юридик шахсларга барча турдаги банк хизматларини сифатли ва тезкор тарзда кўрсатиб келмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

Пойтахтимизда Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги вакиллари иштирокида конференция бўлиб ўтди. Мазкур халқаро анжуманда иқтисодчилар, молиячилар ҳамда ишбилармон доира вакиллари қатнашди. Конференцияда асосий эътибор, Ўзбекистон томонидан олинган халқаро рейтинглар, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларга таъсир кўрсатувчи макроиқтисодий омиллар каби иқтисодиётимиз ривожини учун муҳим бўлган қатор мавзуларга қаратилди.

FITCH RATINGS ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Жамшид Кўчқоров конференцияда Лондондаги қимматбаҳо қозғалар бозорига 1 млрд. АҚШ доллари миқдорига евробондларни муваффақиятли жойлаштириш тўғрисида сўз юритаркан, республика банкларини жаҳон фонд бозорига киритиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Банк тизими бозор иқтисодиётининг муҳим тузилмаларидан бири бўлиб, улар корхоналарни кредитлаш ва самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлайди. Агентлик экспертлари Ўзбекистон банк сектори ҳақида гапирар экан, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори давлат томонидан қўллаб-қувватлани-



— Келгусида яхши натижаларга эришишимизнинг иккита муҳим шарт бор, — деди Молия вазири. — Бири бугунги кунда бир қатор халқаро рейтинг агентликлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш бўлса, иккинчиси тижорат банкларини жаҳон бозорларига олиб чиқишдир. Бу жараёнда янги молиявий воситаларни жорий қилиш ва облигациялар чиқариш йўли билан замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш зарур. Ўзбекистоннинг глобал бозорларга чиқиш стратегиясининг асоси ҳам шундир. Умуман олганда, молия бозори, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш янги иқтисодий жараёндаги асосий мақсадлардан бири бўлиши керак.

ши, соҳа давлат қарз юкининг нисбатан паст даражадалиги, шунингдек, банк секторининг юқори ўсиш потенциали ижобий омил эканини қайд этди.

— Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланмоқда ва бу тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва янги сегментларни ривожлантиришга яхши асос бўлиб хизмат қилади, — деди Fitch Ratings халқаро агентлигининг молиявий ташкилотлар таҳлилий гуруҳи кичик директори Константин Алексеенко.

Форум доирасида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда молия ва банк тизимларининг бугунги аҳволи билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Лола СОАТОВА

ШУ СОНДА

УЙИ ОБОДНИНГ — КЎНГЛИ ОБОД

4

ЯНГИЙЎЛЛИК ПУДРАТЧИЛАР НЕГА РАНЖИМОҚДА?

5

ҚИММАТЛИ МЕРОС

8

Халқ мурожаатига янгича ёндашув

(Бошланиши 1-саҳифада)

Масалан, жиизахлик бир мурожаатчи уй-жойда шерик қардор сифатида иштирок этган ва уни мана шу шерик қардорликдан чиқариш масаласи бўйича бир йилда 84 маротаба бир хил мазмунда такрор ва такрор мурожаат йўллаган.

Ваҳоланки, унинг бу масаласи низо сифатида судда кўрилган ва унинг шикоятни рад этилган. Яна бир бухоролик юридик шахс конвертация масаласига оид 44 маротаба такрор мурожаат йўллаган. Шу каби ҳолатлар ҳам мурожаатлар сонининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Банк маълумотларига таянадиган бўлсак, ўтган йилги мурожаатларнинг каттагина қисми Сурхондарё, Андижон, Фарғона ва Жиззах вилоятларига тўғри келмоқда. Ариза, таклиф ва шикоят кўринишида келиб тушган мурожаатларда, асосан, кредитлаш, намунавий уй-жой харид қилиш тартиби ва бу борадаги муаммоли ҳолатлар, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга бевосита масъул банк ходимлари муомаласи ва хатти-ҳаракатидан норозилик кайфиятидаги масалалар кўтарилган. Айтиши жоизки, ўтган йили келиб туш-



ган мурожаатлар асосида банк раҳбарияти мижозларга ва банк истеъмолчиларига нисбатан кўпол муносабатда бўлган 17 нафар ходимига интизомий жазо чораларини қўлади. Айни пайтда юқоридаги нохуш ҳолатлардан келиб чиқиб, банк томонидан ходимларнинг муомала маданияти ва касб этикасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда банкнинг аҳоли ва мижозлар мурожаатлари билан ишлаш тартиблари, ўтган йил давомида банк тизимига келиб тушган мурожаатлар ва уларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган зарур чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Гўзал МАЛИКОВА,
«Банк ахборотномаси»
муҳбири

Халқаро валюта жамғармаси миссияси Ўзбекистонга келди

Жорий йилнинг 4-15 февраль кунлари Халқаро валюта жамғармасининг миссияси техник кўмак бериш доирасида Марказий банкка ташриф буюрди.

Марказий банк ахборот хизмати маълум қилишича, ташриф давомида халқаро экспертлар Марказий банкнинг пул ва валюта бозоридagi операцияларини такомиллаштириш бўйича ўз тавсияларини берадилар.

Ташрифдан кўзланган мақсад — Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментлари ва ички валюта бозоридagi операцияларини такомиллаштириш, хусусан, ички



пул ва валюта бозорларини ривожлантириш, шунингдек, банк тизимида ликвидлик даражасини прогнозлаштириш ва оптимал фоиз коридорини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда Марказий банкка яқиндан кўмак бериш.

ЎЗА

Банк кўмагида замонавий клиника ишга туширилди

Тошкент вилояти Тошкент тумани «Чоштепа» ҚФЙ ҳудудида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг молиявий кўмагида «American Hospital» — юрак ва бош мия қон-томир касалликларига ихтисослашган замонавий хусусий клиника ишга туширилди.

Шифохонага 1,5 миллион доллар ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, ушбу маблағлар АҚШдан энг сўнги румуддаги тиббиёт ускуналарини олиб келишга йўналтирилди.

Клиникага ишга жалб қилинган юздан зиёд тиббиёт ходимлари орасида эса хорижда яшаб, профессионал фаолият юритаётган ватандошларимиз, шунингдек, чет эллик

мутахассисларнинг борлиги алоҳида аҳамиятга моликдир. Замонавий услубда ташхиллаш ҳамда стационар даволаш бўйича барча шароитларга эга мазкур шифохонада ҳозирча 55 нафар беморнинг ётиб даволаниш имкони мавжуд.

Замонавий клиникадаги барча жиҳозлар дунёнинг нуфузли компанияларида ишлаб чиқарилган технологик ускуналардир. Келгусида у ерга хорижий



инвесторлар томонидан яна 1 миллион доллар инвестиция киритиш мўлжалланган. Бу юрак қон-томир касалликлари бўйича жаррохлик амалиётларининг янада мураккаб турла-

(Бошланиши 1-саҳифада)

Жумладан, Халқ банки Тошкент шаҳар Амалиёт бўлимида бўлганимизда ҳам бунга амин бўлдик.

Банка киришинг билан замонавий кўрам кенг зал кишини ўзига жалб этади. У ерда аҳолига яратилган шароитлар, қулайликлар, сўнги технологиядаги ускуналар мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Энг асосийси, навбат кутиш каби

Маблағларини
“Мобил банкинг” ақи “Интернет банкинг” хизмати орқали ўтказиш жараёни

ОЛДИНГИ ҲОЛАТ

ХАЛҚ БАНКИ МИЖОЗИ

ХАЛҚ БАНКИ ФИЛИАЛИ БОШ БУХГАЛТЕРИ ТАСДИҚЛАГАНДАН СЎНГ УТРАДИ

МАБЛАҒНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ

ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ

ХАЛҚ БАНКИ МИЖОЗИ

МАБЛАҒНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ

Халқ банки замонавий хизмат турлари бўйича пресс-тур ўтказди



Хусусий тадбиркор Наримон Ахроровнинг айтишича, банкнинг ушбу қулайликлари мижоз овозрағарчилигини кескин камайтириб, ҳам вақтини, ҳам турли харажатларини тежашга имкон бермоқда.

— Халқ банки яқинда 24/7 “Электрон офис” ларни ташкил қилди. Унда биз мижозларга ҳафтасига етти кун, кечаю кундуз хизмат кўрсатади. Албатта, бу аҳолига ҳамда мамлакатимизга ташриф буюрган меҳмонларга қўшимча қулайликлар яратади, — дейди “Art Palitra” МЧЖ вакили, банк мижози Ҳамро Фатхуллаев.

Қолаверса, банк ўз мижозларига қулайликлар яратиш, уларни тақдим этилаётган банк хизматлари ҳақида тўлиқ ва тушунарли тарзда маълумотлар билан таъминлаш мақсадида банк хизматлари акс эттирилган махсус китобча тайёрлади. У жисмоний ва юридик шахслар учун алоҳида тайёрланган бўлиб, унда банк хизматлари ҳақидаги маълумотлар батафсил, оддий, содда ва тушунарли тарзда ёритилган. Шунингдек, қўшимча маълумотлар учун банк марказий аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари телефон рақамлари кўрсатиб ўтилган. Бу, ўз навбатида, мижозлар учун яна бир қулайликдир.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

эски одатлардан асар ҳам йўқ. Бир томонда жисмоний шахслар учун алоҳида хизмат кўрсатиш бўлимлари бўлса, бир томонда юридик шахслар учун алоҳида бўлимлар мижозлар хизматида шай. Ҳатто кириш-чиқим кассаларининг ҳам алоҳидалик ҳар қандай мижоз учун янада кенг қулайлик туғдирмоқда.

Халқ банки томонидан аҳолига яратилаётган янги сифатли хизмат турлари билан танишарканмиз, уларнинг ҳар бири эътирофга лойиқ. Чунки банк мижозларга хизмат кўрсатиш билан бирга қатор имтиёзлар ва оптимал фоиз коридорини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда Марказий банкка яқиндан кўмак бериш.

Халқ банки томонидан аҳолига яратилаётган янги сифатли хизмат турлари билан танишарканмиз, уларнинг ҳар бири эътирофга лойиқ. Чунки банк мижозларга хизмат кўрсатиш билан бирга қатор имтиёзлар ва оптимал фоиз коридорини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда Марказий банкка яқиндан кўмак бериш.

Бунга қарангки, банкдан янги ҳисобрақам очган хўжалик юритувчи субъектлар учун “Мобил банкинг” ҳамда “Интернет банкинг” хизматлари мутлақо бепул бўлиши баробарида, мазкур иловалар орқали мижозлар ҳисобрақамидаги маблағларини банк иштирокисиз 24/7 режимида, узлуксиз, дам олиш кунларида ҳам ўтказишлари мумкин. Олдинлари бу каби амалиётлар банк филиали бош бухгалтери тасдиқлагандан сўнги ўтар эди.

Яна бир янгилик, бу Халқ банки мижозлари энди “банкда ресурс йўқ” деган ҳолатларга дуч келишмайди. Яъни, мижоз ўз ҳисобрақамидаги маблағларни исталган пайтда тасарруф этиши мумкин.

рини ўтказишга имконият яратади.

— Мамлакатингизда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида хорижий инвесторлар учун яратилган қулай шароитлар мана шундай йирик лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига омил бўлмоқда, — дейди ҳиндистонлик шифокор Раҳул Кумар Динак. — Айниқса, хусусий тиббиёт муассасаларида ишлаш учун жалб этилаётган хорижий шифокорлар ҳамда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассислар билан тузиладиган меҳнат шартномалари бўйича кўзда тутилган имтиёзлар мен қатори кўпчи-

лик чет эллик мутахассислар қизиқишини орттирмоқда.

Юқоридаги ишлар шифохона фаолияти билан боғлиқ лойиҳанинг дастлабки босқичида амалга оширилди. Навбатда онкология ва нейрохирургия маркази барпо этилиб, яна бир йирик тиббий мажмуа фаолиятига асос солиниши кўзда тутилган.

Асосийси, бундан кейин ҳар қандай оғир касалликлар бўйича ҳамюртларимизнинг бошқа давлатларга бориб, сарсон-саргардон бўлишига, ортиқча моддий ва маънавий йўқотишларига зарурат қолмайди.

Зангиота туманининг экспорт салоҳияти ортмоқда

Зангиота экспорт салоҳияти йилдан-йилга ортиб бораётган туманлардан бири. Бугунги кунда туманда 64 та экспортёр корхона фаолият кўрсатмоқда. Музлатгич омборхоналар сони 19 тага етказилиб, уларнинг маҳсулот сақлаш қуввати 19 840 тоннага оширилди. Ўтган 2018 йилда 21,3 миллион долларлик саноат, 12 миллион долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилинди. Белгиланган прогноз режалар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича 100,8 фоизга, саноат маҳсулотлари бўйича 103,4 фоизга бажарилди.



2019 йилда худудий экспорт прогнози қарийб 26 миллион доллар этиб белгиланган. Шундан чет эллик харидорларга саноат маҳсулотлари бўйича 11128,0 минг доллар, қишлоқ

туман бўйича 2019 йил худудий экспорт прогнози жами 14 миллион 822,1 минг доллар этиб белгиланган. Шундан 1-сектордаги экспортёр "Зангиота томорқа хизмати экспорти" МЧЖ Россия давлатига шартнома асосида кўкат, хурмо, помидор, бодринг, олма ва мош маҳсулотларини, ХК "Абдуллаев Ж", ВН "КАПИТАЛ" МЧЖ қурилган мева маҳсулотларини етказиб беришга шартнома тузган. "СМ ГРУПП" МЧЖ, Агро-1 ЯТТ ҳамда "Нурдаулет" ЯТТ жамолари ҳам Қозоғистон давлати билан шартнома имзолаган.

2-секторда экспортёр "Агро Азия Импекс" МЧЖ Россия давлатига шартнома асосида мош, помидор ва бодринг, "Салтанат мева" 5 млн доллар ҳамда "Эшонгузар Агро Фирмаси" МЧЖ Қозоғистон давлатига шартнома асосида помидор, сабзи


ва қарам ҳамда "ТУРКИСТОН ФРУТ" билан 1,9 миллион долларлик шартнома тузилди. Имзоланган шартномага асосан маҳсулотлар февраль ва март ойларидан бошлаб экспортга чиқарилиши режалаштирилган.

3-сектор бўйича экспортёр "Райские Фрукты Востока" МЧЖ Афғонистон давлатига шартнома асосида қурилган хўл мевалар, "АНМАД НЕГЗАТ" LTD 1,2 миллион долларлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузди.

4-секторда экспортёр "Азия Агро Фуд" фермер хўжалиги Белоруссия давлатига шартнома асосида (хурмо, олма ва узум) "AMAN TRASPRTAS" LTD 5 миллион доллар ҳамда "Голд Сизам Агро" МЧЖ Вьетнам давлатига шартнома асосида кўкатлар ва укроп "VAISDA" МЧЖ билан 60 минг доллар ҳамда Молдавия давлатига шартнома асосида (хурмо, олма ва узум) "VIL AGRO TRANS" билан 1,60 миллион долларлик шартнома тузилди.

Туманда экспортёр корхоналар сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Бу экспорт ҳажми янада ортади, деган сўзидир.

Алишер ИНОҶОМОВ,
Зангиота тумани
тадбиркорликка
қўмаклашиш маркази
раҳбари



хўжалиги бўйича 14800,2 минг долларлик маҳсулот етказиб берилди.

Жумладан, январь-март ойлари экспорт прогнози 1 млн. 802,2 минг долларга режалаштирилган. Шу кунга қадар тумандаги 10 та саноат корхоналари томонидан жами 344,6 минг долларлик экспорт операциялари амалга оширилиб, январь ойи учун белгиланган экспорт прогнози 68,8%га бажарилди.

Айни кунда экспортёр корхоналар чет эллик харидорлар билан шартнома имзолалар ишларини олиб бормоқда. Имзоланган шартномага асосан маҳсулотлар февраль ва март ойларида экспортга чиқарилиши режалаштирилган.

Тошкентда янги логистика маркази қурилади

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖДА Латвиянинг CIA «SV Gulbis» компанияси раҳбари Вячеслав Новиков билан учрашув бўлиб ўтди. Унда «Ўзтемирйўлконтейнер» акциядорлик жамияти ҳудудида чет эл инвестицияси эвазига бунёд этилиши кутилаётган замонавий логистика марказини ташкил этиш бўйича музокаралар ўтказилди.

Таъкидланишича, унинг умумий майдони 16 гектар бўлиб, 20 минг кв.м контейнер терминали учун ажратилган. Бу ерда 25 минг кв.мда ёпиқ турдаги омбор, 14 минг кв.мда ёғоч ва металл маҳсулотларини сақлаш учун мажмуа қурилади. Шунингдек, худудда сервис маркази, божхона хизмати, омборларни бошқариш тизими, маъмурият биноси каби иншоотлар қад ростлади. Янги ташкил этилаётган логистика маркази йилга 3 миллион тонна юк қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Этиборлиси, бу ерда қўшимча 350 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Юк саройида юк автомобиллари учун ҳам бир қатор қулайликлар яратилиб, у ерда Швеция ва Германия давлатларининг



техника ва технологияларини ўрнатиш кўзда тутилган.

Логистика марказида темир йўл вагонларини саралаш, ортиш ва тушириш ишлари, юкларни сақлаш, рўйхатдан ўтказиш, маркировка хизматлари кўрсатилади. Марказни жорий йил охирида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Учрашув сўнггида CIA «SV Gulbis» компанияси ва «Ўзтемирйўлконтейнер» акциядорлик жамияти ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида меморандум имзоланди.

xabar.uz

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНКЛАР ТОМОНИДАН НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИГА ДОИР ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда 3003-1-сонли рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон «Товар бозорларида савдон янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқару-

вининг 2018 йил 24 февралдаги 7/14-сон қарори (рўйхат рақами 3003, 2018 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 18-сон, 372-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома иловасига мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан қиради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2018 йил 15 декабрь,

М. НУРМУРАТОВ

39/20-сон Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/20-сон қарорига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар:

1. 18-банднинг иккинчи хат-бошисидagi («инкассация хизмати»нинг кечки таширидан сўнг кассага қирим қилинган

нақд пуллари ўрнатилган лимитга киритилмайди») деган сўзлар «(банк кассасига қирим қилиш учун топширилган сўнг кассага қирим қилинган нақд пуллари ўрнатилган лимитга киритилмайди)», деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 28-банд ўз кучини йўқотган деб топилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ЧИҚАРИЛИШИ ВА МУОМАЛАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 январда 1141-3-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 22 апрелдаги 10/4-сон қарори (рўйхат рақами 1141, 2002 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва

идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 10-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан қиради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2018 йил 15 декабрь,

М. НУРМУРАТОВ

39/14-сон Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/14-сон қарорига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомига киритилаётган ўзгартиришлар:

1. 39-банддаги «90310» ва «96310» рақамлари мос равишда «90305» ва «96307» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. 40-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«40. Облигациялар бланкларини қабул қилиш ва топшириш, уларни ҳисобга олиш ва сақлаш Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) асосида амалга оширилади.»

Уйи ободнинг — кўнгли обод

Бугун мамлакатимизда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Қай бир вилоятда бўлманг, янгидан бунёд этилаётган замонавий турар-жойлар, кенг ва раvon кўчалар, барча қўлайликларга эга бўлган кўркам савдо шохобчалари, дам олиш масканлари шаҳар-қишлоқлар чиройига чирой қўшиши билан бирга халқ турмуш фаровонлигини ошириш учун хизмат қиляпти.

Бу ишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 январдаги ПҚ-2728-сонли қарори асосида ташкил этилган «O'zshahar qurilish invest» инжиниринг компанияси қурувчилари ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. Президентимизнинг 2016 йил 11 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур компания мамлакатимизда кўп қаватли арзон турар жойлар қуриш ва реконструкция қилиш ишларини жадал суръатларда амалга ошириб келмоқда. Инжиниринг компанияси томонидан шу кунга қадар республикамиз бўйича 602 та кўп

қаватли арзон уй-жой барпо этилди. Жумладан, 2017 йилга белгиланган дастурга мувофиқ, бугунга қадар республикамиз бўйича жами 7 минг 919 та хонадондан иборат 191 та кўп қаватли арзон турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Шундан 102 та кўп қаватли турар жой бинолари Тошкент шаҳрида қад кўтарган. Утган 2018 йил мобайнида жами 16 минг 907 хонадондан иборат 411 та кўп қаватли арзон уйлар бунёд этилди. Шундан 172 таси пойтахтимизда қурилиб, шаҳримиз кўрқига янада чирой бахш этди. Инжиниринг компанияси томонидан жорий йилда белгиланган дастур асосида 355 та замонавий кўп қаватли арзон турар жой бинолари қуриляпти. Шундан 170 таси пойтахти-



ЖОРИЙ ЙИЛДА БЕЛГИЛАНГАН ДАСТУР АСОСИДА 355 ТА ЗАМОНАВИЙ КЎП ҚАВАТЛИ АРЗОН ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ ҚУРИЛЯПТИ. ШУНДАН 170 ТАСИ ПОЙТАХТИМИЗДА ҚАД РОСТЛАЙДИ.

мизда қад ростлайди. Мазкур замонавий турар жойларни мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами арафасида ўз эгаларига топшириш режалаштирилган.

— Мамлакатимизда кўп қаватли арзон уй-жойлар қуриш дастури ўтган икки йил даво-

мида тўлиқ бажарилиб, барча қўлайликларни ўзида мужассам этган замонавий уйлар арзон ипотека кредитлари асосида белгиланган вақтда аҳолига топширилди. Компания томонидан қурилаётган уйлар шинам ва ёруғ, ҳаҳон стандартларига тўла жавоб беради.

— Пойтахтимизда ва вилоятларда барпо этилаётган арзон уй-жойлар ҳудудлар қиёфасини ўзгатириш, замонавий инфратузилма яратиш билан бирга, жамиятдаги кўллаб муаммоларга ечим топиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жой шaroитларини яхшилашга хизмат қилмоқда, — дейди «O'zshahar qurilish invest» инжиниринг компанияси Режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Юсуп-Али Ходжаев.

— Мавзенимиз чиройини, кўчаларимиз текис-равонлигию, уйларимиздаги қўлайликларни ҳар қанча мақтасак камлик қилади, — дейди 6 «а» мавзе 9-уйда яшовчи Сирожидин Жалилов.

— Бу ерда яшаётганимизга энди бир йил бўлди. Лекин кўп қаватли уйларимиз аҳли, яъни кўни-кўшиларимиз юз йиллик қадрдонлардек аҳил-иноқ. Тўйларимиз-тўйларга уланяпти, — дейди 20-уй бошқарувчиси Шохид Мирхунова.

Сергида ким билан суҳбатлашмайлик, ана шундай мақтов, миннатдорчилик сўзларини эшитдик.

Уйи ободнинг — кўнгли обод, деб шуни айтсалар керак.

Ҳамдамжон АМИНОВ,
«Банк ахборотномаси»
муҳбири

СТАТИСТИКА

Устувор вазифалар рақам ва қиёсий кўрсаткичларда



Шерзод СУВАНКУЛОВ,
Марказий банкнинг Самарқанд вилояти бош бошқармаси статистика бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида таъкидланганидек, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайитириш имконини беради.

Швейцариянинг Халқаро Менежментни ривожлантириш институти қошидаги жаҳон рақобатбардошлик маркази томонидан 2017 йилдан бошлаб 0 баллдан 100 баллгача бўлган кўрсаткичларда «World digital competitiveness ranking» рейтингни эълон қилинган.

2018 йилдаги рейтингдан 63 та давлат ўрин олган бўлиб, юқори бешликдан АҚШ-100, Сингапур-99.4, Швеция-97.4, Дания-96.7, Швейцария-95.8 ўрин олган. Рейтингда Қозоғистон 65.5 балл билан 38, Россия 65.2-40, Туркия 56.3-52, Укра-

на 51.2-58-ўринлардан жой олган. Ўзбекистон ушбу рейтингга қиритилмаган.

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилди.

Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2017 йилда \$ 2,4 миллиард, 2018 йилда \$ 2,8 миллиардни ташкил этган.

Қиёслаш учун 2017 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Туркменистонда \$ 2,3 миллиард, Қозоғистонда \$ 4,6 миллиардни ташкил этган.

«Fitch Ratings» ва «Standart & Poor's» рейтинг агентликларининг биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгиледи.

«Fitch Ratings» томонидан миллий ва хорижий валюта бўйича «BB-» прогнози-барқарор, «Standart & Poor's» томо-

Жорий йилнинг биринчи чорагида юртимиз тарихида ilk марта Ўзбекистоннинг суверен давлат облигациялари халқаро молия бозорларида чиқарилади, бу борада «J.P.Morgan», «Citibank», «Deutsche Bank» каби етакчи халқаро инвестиция банклари билан ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда аниқ комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, жумладан, мамлакатимизни Глобал рақобатбардошлик рейтингига қиритиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш топширилди.

Мазкур рейтинг 1979 йилдан буюн Бутунжаҳон иқтисодий фо-

2019 йилда экспорт ҳажмини 30 фоизга ошириб, 18 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўйди.

Ўзбекистоннинг экспорт ҳажми 2016 йилда \$ 12,1 миллиард, 2017 йилда \$ 13,9 миллиард, 2018 йил январь-сентябрда \$ 9,5 миллиард.

Жаҳон банкнинг бизнес юритиш соҳасидаги рейтингда мамлакатимиз қурилиш бўйича 134-ўринни эгаллаган.

2003 йилдан бери мазкур рейтинг (одатда, йилнинг кuz ойларида) нашр этиб келинади. Рейтингда 10 та индикатор асосида аниқланади. 2018 йил 31 октябрда 2019 йил учун эълон

нидан миллий ва хорижий валютада узок муддатли дефолт рейтингини «BB-» ва қисқа муддатли дефолт рейтингини «B-» барқарор баҳолари берилган.

Қиёслаш учун. Қозоғистон рейтингини: «Fitch Ratings» томонидан «BBB» (2018/апрель), «Standart & Poor's» томонидан «BBB-/A-3» (2018/сентябрь).

S & P Global Market Intelligence талқинига кўра 2018 йилда активлар қиймати кўра, дунёдаги энг йирик банклар орасида «J.P.Morgan» 6-ўрин (2,53 трлн. \$.), «Citibank» 13-ўрин (\$ 1,84 трлн. \$.), «Deutsche Bank» 15-ўрин (1,77 трлн. \$.) дан жой олган.

руми томонидан эълон қилиб борилди. Рейтинг баҳоси мамлакатда яратилган шарт-шароит, бозорлар, инсон капитали, инновацион экотизим бўйича 12 та омилларни таҳлил қилиш орқали 0 дан 100 баллгача бўлган баллар орқали аниқланади. 2018 йил 16 октябрда эълон қилинган рейтингга 140 та давлат қиритилган.

Қиёслаш учун: 2017 йилда экспорт ҳажми Қозоғистонда \$ 48,3 миллиард, Беларусда \$ 36,3 миллиард, Озарбайжонда \$ 19,9 миллиард, Туркменистонда \$ 7,5 миллиард, Қирғизистонда \$ 2,7 миллиард, Тожикистонда \$ 1,1 миллиард.

қилинган рейтингда Ўзбекистон 190 та давлат орасида 76 ўриндан жой олган (Ўзбекистоннинг энг яхши кўрсаткичи 74-ўрин 2018 йилда, энг паст кўрсаткичи 166-ўрин 2012 йилда). 2019 йил учун рейтингдан: 1-Янги Зеландия, 2-Сингапур, 3-Дания, 8-АҚШ, 28-Қозоғистон, 31-Россия, 43-Туркия, 70-Қирғизистон, 126-Тожикистон, 190-Сомали.

2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортдан келадиган йиллик даромадини эса 2 миллиард долларга етказиш лозим.

Қиёслаш учун, 2017 йилда (давлат, туристлар сони, даромад): Озарбайжон — 2,4 млн. нафар/ \$ 3 миллиард, Туркия — 37,6 млн. нафар/ \$ 22,5 миллиард, Филиппин — 6,6 млн. нафар/ \$ 6,9 миллиард, Миср — 8,1 млн. нафар/ \$ 7,8 миллиард.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида «Траст фонди»нинг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди.

БМТнинг бош қароргоҳида 27 ноябрь кун Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди фаолияти бошланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Япония, Норвегия, Нигерия, Қозоғистон, Жазоир, шуниингдек, қатор нодавлат ташкилотлар вакиллари ушбу фонд фаолиятини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди. Форум доирасида Ўзбекистон ҳукуматининг мазкур Фонд жамғармасига ҳар йили 2 миллион АҚШ доллари ажратиши таъкидланди. Норвегия делегацияси мамлакат ҳукуматининг Фонд жамғармасига 1,2 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратиш бўйича қарори ҳақида маълумот берди.

Агар мустақиллик йилларида Ўзбекистон бўйича 1 миллион 220 минг гектарга яқин ўрмонзор яратилган бўлса, шундан 400 минг гектардан ортиғи айнан Оролбўйи ҳудудида барпо этилган.

Бу масалада қўлб қилинаётган махсус дастурга кўра, Орол денгизининг сувиз ҳудудида келгуси йилда яна 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 январда Янгийўл шаҳрига ташриф буюриб, шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириш, қулай шарт-шароитлар яратиб, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча имкониятлар йўлини очиб, ғамхўрлик кўрсатиш бўйича муҳим кўрсатма ва топшириқлар берган эди.

Янгийўллик пудратчилар НЕГА РАНЖИМОҚДА?

Президент ташрифидан сўнг кўрсатма ва топшириқларни бажариш бўйича ишга жиддий киришилди. Дастурлар ишлаб чиқилиб, мутасадди ташкилотлар билан шартномалар тузилди. Ана шундай дастур ва шартномалар Президент алоҳида таъкидлаган аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш, айниқса, узоқ йиллардан буён кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган янгийўлликларнинг муаммолари: уйлари таъмирлаб, томларни профнастиля қопламалар билан ёпиш, кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатиш, болалар майдончаларини барпо этиш, хордиқ чиқариш учун зарур қулайликлар яратиш каби юмушлар учун ҳам тузилди.

Пудратчи қурувчилар ишга киришиб, белгиланган барча вазифалар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилди. Бажарилди-ю, лекин...

Бугун уларнинг аксарияти фиғони фалқда. Айтишларига қараганда, улар билан шартнома тузган банклар шартнома пуллари ни ўтказишни пайсалга



солмоқда. "Business building" МЧЖ раҳбари Фарҳод Раҳматуллаевнинг арзини эътиборингизга ҳавола қилайлик.

"Building complex" МЧЖ шаҳар худудидеги "Шинам уй кўрки" ХУЖМШ билан 2018 йил 15 май кунги 3/1-сон шартномага асосан, 900.0 миллион сўмлик ҳамда 2018 йил 4 июль кунги 1/7-сонли шартномага асосан, 200.0 млн. сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун пудрат шартномалари тузилган.

"Building complex" МЧЖ томонидан 3/1-сонли шартнома асосида 2018 йил 25 июль кунги бажарилган ишлар далолатномасига асосан 785.7 миллион сўмлик ишлар бажарилиб, бугунги кунга қадар "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан 718.3 миллион сўм маблағ ва 1/7-сонли шартнома асосида 2018 йил 25 июль кунги бажарилган ишлар далолатномасига асосан 161.2 миллион сўмлик ишлар бажарилиб, бугунги кунга қадар "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан 60.0 млн. сўм ажратилиб, пудрат ҳисоб рақамига тўланди. Бугунги кунга ҳар икки шартнома бўйича жами 168.6 млн. сўм қарздорлик вужудга келиб "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан ушбу қарздорликнинг тўлаб берилишида муаммолар вужудга келмоқда.

Шу билан бирга, "Building complex" МЧЖ шаҳар худудидеги "Олтинобод ишонч" ХУЖМШ билан 2018 йил 19 февраль кунги 2/6-сон шартномага асосан 65.0 млн. сўмлик, 2018 йил 19 февраль кунги 2/8-сон шартномага асосан 70.0 млн. сўмлик, 2018 йил 19 февраль кунги 2/10-сон шартномага асосан 65.0 млн. сўмлик, 2018 йил 13 март кунги 2/20-сон шартномага асосан 120 млн. сўмлик таъмир-

лаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун пудрат шартномалари тузилган.

Айни пайтда 5 та шартнома бўйича жами 60.2 млн. сўм қарздорлик вужудга келиб, "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан ушбу қарздорликни тўлаб берилишида муаммолар вужудга келмоқда.

Фарҳод Раҳматуллаев "Business building" МЧЖ ҳам раҳбарлик қилади. Афсуски, бу жамоа қурувчилари ҳам худди юқоридаги каби муаммога рўбару келди.

"Business building" МЧЖ шаҳар худудидеги "Олтинобод ишонч" ХУЖМШ билан 2018 йил 1 апрель кунги 1/64-сон шартномага асосан 190.0 млн. сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун пудрат шартномалари тузган.

"Business building" МЧЖ томонидан 1/64-сонли шартнома асосида 2018 йилнинг 25 май кунги бажарилган ишлар далолатномасига асосан 188.6 млн. сўмлик ишлар бажарилган бўлса-да, бугунги кунга қадар "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан 2018 йилнинг 29 декабрь кунги 63 млн. сўм маблағ ажратилди, холос. Энди "Моҳир коммуналчи" ХУЖМШ тасарруфидеги кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишларини бажарган "Solid construct" МЧЖ раҳбари Махсума Назарованинг шикоятини билан танишсак.

"2018 йили Янгийўл шаҳридаги кўп қаватли уйлар қайта таъмирлаш ишларини бажариш мақсадида, "Solid construct" МЧЖ ва "Моҳир коммуналчи" ХУЖМШ 2018 йил 16 февралда 2 176 885 000 00 сўмга имзоланган шартномага асосан "Моҳир коммуналчи" ХУЖМШ га қарашли 18 та кўп қаватли уй-жой бинолари фасад, совуқ сув қувурлари, иссиқ сув трубалари, канализация трубалари ҳамда йўлақлар ва зинапоялар қайта таъмирланди. АТБ "ҲАМКОР-БАНК" Янгийўл филиали томонидан 1800000000,00 сўм пул маблағи ҳисоб рақамимизга ўтказиб берилган. "Solid construct" МЧЖ ва "Моҳир коммуналчи" ХУЖМШга 2018 йил 28 августда № 1 сонли қўшимча шартнома 2,5 млрд. сўмга имзоланди. АТБ "ҲАМКОР-БАНК" Янгийўл филиали расмийлаштирилган кредит кафолати, яъни суғурта ташкилотига шартнома бандида кўрсатилмаган ва кўзда тутилмаган 3 млрд. сўм пул маблағи ушлаб қолинмоқда. Бу сумма "Solid construct" МЧЖ ва "Моҳир коммуналчи" ХУЖМШ билан тузилган шартномада кўрсатилган.

"Solid construct" МЧЖ корхонамиш томонидан юқоридаги шартномага асосан кўп қаватли уй-жойлар юз фоиз қайта таъмирланди ва ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Бироқ ҳозирги кунга келиб "Solid construct" МЧЖ томонидан кредитдорлик қарзи мавжуд. Қарз ҳисобидан олинган қурилиш хомашларини мол етказиб бериш ташкилотлар олдига 275 млн. сўм қарздорлик мавжуд. Иш ҳақида 185 650 минг сўм шу билан бирга, ДСИга қарздорлик тўловлари мавжуд.

Шунингдек, "Акоп сифат қурилиш" раҳбари Белол Шабатов ҳам Халқ банкнинг Янгийўл шаҳар бўлими устидан ана шундай шикоят қилиб юрганига гувоҳ бўлди.

Ҳўш, нега улар шикоят қилиб юрибди? "Халқ банки", "Ҳамкорбанк", "Қишлоқ қурилиш банк"ларининг Янгийўл шаҳар бўлиmlари пудратчилар билан тузилган шартномаларни нега бажармаяпти?

Биз бир томонни ҳақ, бир томонни ноҳақ демоқчи эмасмиз. Газетамизнинг келгуси соннда юқоридаги банкларнинг шаҳар бўлими мутасаддилари жаебозини эълон қилиб, ҳулоса чиқаришни муштарийлими ҳужмага ҳавола қиламиз.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
журналист


Ўзбекистон евробонддан кутилгандек натижа олмоқда

Ўзбекистон евробондларига талаб кутилганидан юқори бўлмоқда, деб ёзади Reuters.

Ҳукумат 1 миллиард АҚШ доллари миқдорда евробондлар чиқаришни режалаштираётган бир пайтда, евробондга бўлган талаб Лондон биржасида кескин ортиб кетган. Ўзбекистон томони Лондон вақти билан соат 12:15 га келиб, талабнинг кўпчилигини инобатга олиб, 5 йиллик облигациялар нарҳини 5,0–5,125 фоизга, 10 йиллик облигациялар нарҳини эса 5,625–5,75 фоизга туширган.

«Аммо ҳукумат очиб ва шаффоф сиеъатни намойиш этиши, барчанинг ишончини шу йўл билан қозониши керак», – деб таъкидлаган биржа бошқарувчиларидан бири.

Ҳукумат режасига кўра, 5 ва 10 йиллик 500 миллион доллардан жами 1 миллиард доллاردек бўлган бондлар реализация қилиниши кутилаяпти. Молия вазири Жамшид Кўчқоровнинг



сўзларига кўра, 2020 йилга қадар яна бондлар муомалага киритилади.

Маълум қилинишича, пайсатирилган нарх бўйича Ўзбекистон облигацияларига талаб 8,5 миллиард доллардан ошиб кетди.

kun.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 100 000 сўм бўлган пул белгисини муомалага чиқариш тўғрисида

100 000 СЎМЛИК ҚИЯМАТИГА ЭГА БЎЛГАН БАНКНОТАДАГИ ХИМОЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАСНИФИ ВА ЖОЙЛАШИШИ

БАНКНОТАНИНГ ОЛД ТОМОНИ

- Оптик узғарувчан ЭД эффектли шунгунча химоя ипи
- Бронза рангидан яшил рангга узғарувчи буртмо турувчи элемент
- Мирзо Улугбек портрети ва "100 000" рақами қўрилишидаги сув белгиси
- Кирими рангдан жигар рангга узғарувчи трафарет босма усули
- Тилпа рангдан кул рангга узғарувчи трафарет босма усули
- Кўриш ҳобилияти сўст бўлган инсонлар учун номинал қийматини шартли буртмо белгиси
- Буртмо турувчи тасвирлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 25 февралдан бошлаб қиймати 100 000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиси муомалага чиқарилиши тўғрисида маълум қилади.

Қиймати 100 000 сўм бўлган банкнотнинг мавзуси (тематикаси) буюқ ўзбек олими Мирзо Улугбек фаолияти ва унинг астрономия фанида ютуқларига бағишланган.

Банкнотнинг ўлчами 144 x 78 мм. бўлиб, махсус химояланган қрозда чоп этилган.

Банкнотнинг ўнг тарафидеги оқ овал қисмида Мирзо Улугбек сурати кўринишидаги локал сув белгиси ва 100 000 рақами кўринишидаги филигран сув белгиси жойлашган. Банкнотнинг ўнг тарафидеги қроғ қатламида кенглиги 5 мм. 3Д эффектга эга бўлган, юқори химояли, шўнгувчи, банкнотнинг устки қатлимига чиқувчи химоя ипи жойлаштирилган. Ёрулик маънабиди ил тўлиқ кўринишига эга бўлиб, банкнотнинг исталган қиялик кўринишида илдеги тасвирларда силжиш эффекти пайдо бўлади. Олд ва орқа томонларининг фони асосан оч жигарранг ва ҳаво рангларидан иборат.

Банкнот кўйи қисмининг чап қисмида Мирзо Улугбек ҳайкали тасвирланган. Банкнотнинг юқори қисмининг чап тарафидеги ранги узғарувчан 100000 рақами жойлаштирилган бўлиб, маълум қиялик бурчагида қаралганда унинг ранги кирими рангдан жигаррангга ўзгаради.

Банкнот кўйи қисмининг чап тарафидеги орнаментал тасвир асосида (фониде) "UZB" кўринишидаги яширин тасвир мавжуд бўлиб, у ёрулик маънабидеги нисбатан маълум қияликда кўринади. Банкнотнинг чап томонида жойлашган яшил рангдиги махсус элемент кўйи ожиз инсонлар учун мўлжалланган бўлиб, буюқнинг буртмалиги ҳисобига банкнотнинг қийматини аниқлаш мумкин. Банкнотнинг юқори қисмида, ҳайкалнинг ўнг томонида кўп функцияли устурлоб («Астролябия») астрономик асбоби тасвири жойлашган ва у регистр вазифасини бажариб, «олд» ва «орқа» томонларини бир-бири билан мўлжаллаш учун хизмат қилади, ёруғликка қаратилганда орқа томондаги рангли фон билан тасвир мукамаллашади.

Банкнот юқори қисмининг ўнг томонида "OZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" матни мавжуд.

Банкнотнинг юқори ўнг бурчагида Ўзбекистон Республикасининг Герби жигаррангга акс эттирилган.

Банкнотнинг ўрта қисмида қуёш системаси схемаси жойлашган бўлиб, унинг ранги кўриш бурчагига қараб бронза рангдан яшил рангга ўзгаради.

Орбита доирасида қуёш системаси сайёралари ва олтига кичик сайёралар турли ўлчамдаги саккиз қиррали юлдузчалар кўринишида жойлашган. Уларнинг ранги ҳам маълум қияликда узғарувчан хусусиятга эга. Орбиталар доираси периметри атрофидега "OZBEKISTON RESPUBLIKASI" сўз бирикмаси кўринишида таққорланувчи микроматни мавжуд.

Банкнот кўйи қисмининг марказида "BIR YUZ MING SO'M" матни жойлашган бўлиб, унинг остида «OZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKASI HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART» ёзуви акс этган.

Банкнот пастки ўнг бурчагидаги 100000 рақами икки хил, яъни жигарранг ва яшил рангдан аниқ чегараланган ҳолда босилган. Банкнотнинг лотин алифбосидаги икки ҳарфли серияси ва етти хонали сондан иборат рақами икки жойда босилган бўлиб, қуёш қисмининг ўнг томонидаги буюқ ферромагнит, чап қисмидаги рангли майдондаги люминесцент хусусиятга эга.

Банкнот орқа томонининг чап қисмидаги овал шаклдаги майдонда ҳам локал сувли белгисини кўриш имконияти мавжуд. Чап томонининг юқори бурчагида гильшови розетка майдондаги банкнот муомалага чиқарилган йил кўрсатилган.

Банкнотнинг марказида жигаррангда Мирзо Улугбек обсерваторияси тасвирланган ва унинг устида "OZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" матни туширилган.

Банкнотнинг кўйи қисмида кўк рангда 100000 рақами, "BIR YUZ MING SO'M" ёзуви ҳамда уларнинг тағида "OZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHIRISH QONUNIGA MUVOFIQ TALQIB QILINADI" матни жойлашган. Маъжур тасвирлар ва банкнотнинг юқори қисми ўнг бурчагидаги 100000 рақами металлограв босма усулида (буртмалиги сезилмаган) бажарилган. Банкнотнинг ўнг томонида кўш ёйли квадрат астрономик асбоб тасвирланган.

Банкнот марказида Ўзбекистон Республикаси харитасининг чегараси акс эттирилган бўлиб, унда буюқ олим Мирзо Улугбек ўз илмий фаолиятини олиб бorgan Самарқанд шаҳрининг жойлашган ўрни белгиланган. Хаританинг фони узлуksиз равишда таққорланувчи "OZBEKISTON RESPUBLIKASI" микроматни билан тўлдирилган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 100000 сўм бўлган пул белгиси, айни пайтда муомалада бўлган пул белгисига ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳужжалик юритувчи сувектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай кечикловсиз қабул қилиниши шарт.

cbu.uz

Чет эл капитали иштирокидаги «САВДОГАР» акциядорлик тижорат банки ва унинг шўба корхонаси

Регистрация рақами: Лицензия ЎзР МБ № 42 2017 йил 21 октябрь
Юридик манзил: 100060 Тошкент ш., Саид Барака кўчаси 78.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ яқунланган 2018 йил 31 декабрь учун (минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра	2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра
АКТИВЛАР		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	57 318 823	87 686 710
Бошқа банклардаги маблағлар	16 460 900	122 265 119
Мавжуд қимматли қоғозлар, сотув учун мўлжалланганлари	2 600 000	-
Мавжуд инвестициялар, сотув учун мўлжалланганлари	170 975	166 644
Мижозларга кредит ва бунақлар:	546 008 876	436 818 121
Минус: эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар	(14 776 261)	(19 354 303)
Мижозларга берилган соф кредит ва бунақлар	531 232 615	417 463 818
Тобе ҳўжалик юритувчи жамиятларга инвестициялар	-	22 000 000
Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	48 390 755	41 368 946
Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	1 297 818	932 447
Банкнинг бошқа хусусий мулки	2 850 630	2 668 180
Солиқ талаблари	9 442 847	3 539 939
Бошқа активлар	8 296 886	1 928 169
ЖАМИ АКТИВЛАР	678 062 249	700 019 972
МАЖБУРИЯТЛАР		
Мижозларнинг маблағлари	369 718 824	305 957 713
Бошқа банклар маблағлари	99 511 894	238 726 204
Бошқа қарз маблағлари	49 231 720	173 965
Солиқ мажбуриятлари	785 986	945 913
Бошқа мажбуриятлар	13 183 694	10 446 438
Жами мажбуриятлар	532 432 118	556 250 233
ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		
Устав капитали	135 391 188	70 391 188
Қўшилган капитал	60 000	60 000
Тақсимланмаган фойда ва жамғармалар	10 178 943	73 318 551
Жами хусусий капитал	145 630 131	143 769 739
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ	678 062 249	700 019 972

УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2018 йил учун	2017 йил учун
Фоиз даромади	82 445 144	64 758 270
Фоиз харажатлари	(42 581 651)	(20 723 569)
Соф фоиз даромадлари	39 863 493	44 034 701
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захиралар	(6 064 282)	(4 769 441)
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захиралардан кейинги соф фоиз даромадлари	33 799 211	39 265 260
Воситачилик учун олинган даромадлар	33 145 126	44 630 133
Воситачилик учун сарфланган харажатлар	(9 627 055)	(9 158 347)
Валюта операцияларидан олинган соф фойда	1 647 218	67 940 752
Бошқа фоизсиз даромадлар	14 607 540	5 262 058
Бошқа фоизсиз харажатлар	(31 778)	(154 069)
Операцион харажатларга қадар олинган соф даромад	73 540 262	147 785 787
Операцион харажатлар	(67 954 134)	(66 885 797)
Солиқ солингунга қадар олинган фойда	5 586 128	80 899 990
Эҳтимолий зарарларни баҳолаш бўйича захира	(11 603)	(569 183)
Даромад (фойда) солигига қадар соф фойда	5 574 525	80 330 807
Даромад (фойда) солигини баҳолаш	2 939 033	(5 026 428)
Йиллик соф фойда	8 513 558	75 304 379
Бошқа умумий йиллик даромад	-	-
Жами умумий йиллик даромад	8 513 558	75 304 379
Ҳар бир акция учун базавий фойда (сўмда)	8,18	135,78

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ (минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2018 йил	2017 йил
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати		
Олинган фоизлар	78 733 508	64 203 011
Тўланган фоизлар	(42 459 075)	(20 576 566)
Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар шаклида олинган пул маблағлари	33 292 554	44 414 209
Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар шаклида тўланган пул маблағлари	(9 214 350)	(9 158 347)
Хорижий валюта операцияларидан ўзлаштирилган соф фойда	-	67 940 752
Олинган дивидендлар	37 663	32 144
Ҳисобдан чиқарилган кредитларнинг қопланиши	524 205	268 351
Соф фоизсиз даромадлар	5 263 402	4 950 651
Ходимлар таъминоти учун тўланган харажатлар	(31 293 100)	(35 731 303)
Тўланган бошқа операцион харажатлар	(28 159 730)	(33 652 547)
Тўланган фойда солиғи	(3 411 836)	(5 346 109)
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга қадар булган операцион фаолиятдан келган пул оқимлари	3 313 241	77 344 246
Операцион активлардаги ўзгаришлар (купайиши) / камайиши		
Бошқа банклардаги маблағлар	103 204 219	(64 069 769)
Мижозларга берилган кредит ва бунақлар	(109 190 755)	(3 172 215)
Бошқа активлар	(5 808 743)	983 494
Операцион мажбуриятлардаги ўзгаришлар ортиши / камайиши		
Мижозлар маблағлари	63 761 111	(79 604 788)
Бошқа банклар маблағлари	(139 214 310)	111 567 498
Бошқа қарз воситалар бўйича тўловларга ажратилган маблағлар	49 057 755	-
Бошқа мажбуриятлар	(301 360)	1 117 666
Операцион фаолиятдан тушган соф пул маблағлари ҳаракати	(35 178 842)	44 166 132
Инвестицион фаолиятдаги пул оқимлари ҳаракати		
Сотиш учун мўлжалланган мавжуд инвестицияларнинг сотилиши (харидидан тушган тушумлар)	11 677	10 912
Тобе ҳўжалик жамиятларидан инвестицияларнинг сотилиши / (Хариди)	22 000 000	(22 000 000)
Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш	(15 382 411)	(18 273 809)
Асосий воситаларнинг сотувидан тушган тушум	3 311 536	5 578
Инвестицион фаолиятдан тушган соф пул маблағлари ҳаракати	9 940 802	(40 257 319)
Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари		
Акциялар эмиссияси	-	15 000 000
Тўланган дивидендлар	(6 507 500)	(15 493 414)
Молиявий фаолиятдан тушган соф пул маблағлари ҳаракати	(6 507 500)	(493 414)
Валюта курси ўзгаришининг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири	1 377 653	9 440 171
Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг соф кўпайиши (камайиши)	(30 367 887)	12 855 570
Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	87 686 710	74 831 140
Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	57 318 823	87 686 710

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ (минг ўзбек сўмида)

Моддалар	Устав капитали	Қўшилган капитал	Захира капитал ва жамғармалар	Тақсимланмаган фойда / (қолланмаган зарарлар)	Жами капиталдаги ўзгаришлар
2017 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	55 391 188	60 000	4 526 040	9 452 319	69 429 547
Акциялар эмиссиялашуви	15 000 000	-	-	-	15 000 000
Тўланган дивидендлар	-	-	-	(15 964 187)	(15 964 187)
Умумий мақсаддаги захира жамғармаси	-	-	3 332 847	(3 332 847)	-
Ҳисобот давридаги соф фойда	-	-	-	75 304 379	75 304 379
Бошқалар	-	-	-	-	-
2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	70 391 188	60 000	7 858 887	65 459 664	143 769 739
Акциялар эмиссиялашуви	-	-	-	(65 000 000)	-
Капиталлаштирилган дивидендлар	65 000 000	-	-	(6 507 500)	(6 507 500)
Тўланган дивидендлар	-	-	-	(6 507 500)	(6 507 500)
Умумий мақсаддаги захира жамғармаси	-	-	-	-	-
Стандарт активлар бўйича захиралар	-	-	4 150 000	(4 150 000)	-
Ҳисобот давридаги соф фойда	-	-	-	8 513 558	8 513 558
Бошқалар	-	-	-	(145 666)	(145 666)
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	135 391 188	60 000	12 008 887	(1 829 944)	145 630 131

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги АФ № 00531-рақамли лицензиясига эга) «PKF MAK ALYANS» МЧЖ томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банк ҳисоботининг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик ҳулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 22 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролини оширишга доир устувор вазифалар белгилаб берилган эди.



“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” ХОДИМЛАРИ МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Хусусан, мамлакатимиз молия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш учун хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш вазифаси ҳам юклатилган. Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан мазкур вазифалар ижросини таъминлашга мақсадида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, унинг доирасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, банкда Бошқарув раиси маслаҳатчиси лавозими жорий этилиб, унга Америка Қўшма Штатлари банк-молия муассасаларида тажриба ортирган ватандошимиз ишга жалб қилинди.

Шунингдек, жаҳоннинг илғор тажрибаларини банк тизмига жорий этиш мақсадида халқаро молия институтлари, таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиб, хорижнинг етакчи олий ўқув юртлиги ва молиявий институтларининг малакали мутахассислари, экспертлари жалб қилинган ҳолда, банк ходимлари малакасини оширишга қaratилган ўқув курслари, семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби билан ҳамкорликда банк ходимлари учун семинар-ўқув ўтказилмоқда. Мазкур семинарларга Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Халқаро банк институти профессор-ўқитувчилари маърузачи сифатида таклиф қилинган.

– Бу ўқувлар “Қишлоқ қурилиш банк” билан ҳамкорлигимизнинг бошланиши, – дейди Халқаро банк институти (Россия) проректори Анна Затевахина. – Келгусида бундай туркумдаги семинар-ўқувлар тизимли йўлга қўйилади. Ўйлайманки, бу бизнинг экспертларимиз учун ҳам, “Қишлоқ қурилиш банк” ходимлари учун ҳам бирдек фойдалидир. Ўзбекистонда банк тизимида амалга ошириладиган туб ўзгаришлар шариоитида Россия банк тизими тажрибаларини ўрганиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди, назаримда.

Беш кун давом этадиган мазкур ўқувларда банкнинг турли таркибий тузилмаларида фаолият юритаётган 100 нафар ходим 2 гуруҳга бўлинган ҳолда ўз малакаларини оширмоқдалар. Эътиборга молик жиҳати шуки, ўқувлар интерфаол ўқитиш технологиялари асосида ташкил этилаётир.

finance.uz

МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

АТ “Алоқабанк” томонидан ходимлар малакасини ошириш мақсадида “Мижозларга хизмат кўрсатишда бизнес жараёнларни такомиллаштириш ва банк хизматларини самарали тоатиши йўлга қўйиш” мавзусида ўқув тренинглари ташкил этилди. Мазкур тренинг бевосита мижозларга хизмат кўрсатувчи банк ходимлари учун мўлжалланган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад – аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишдан иборатдир.

Тренинглари Европа тараққиёт ва тикланиш банки томонидан акредитация қилинган мутахассис Григорьева Валентина томонидан ўтказилиб, мутахассис ҳар бир бўлим ва йўналишдаги иш жараёнини батафсил ўрганиб, ходимларга маълум аудитория билан аниқ ва тўғри йўналишда ишлашга доир тажрибалари билан ўртоқлашди.

Амалий ўқув дарслари очик мулоқот тарзида ўтказилиб, бунда асосий эътибор, бизнес-психологияси, ходимларнинг мижозлар билан ишлаши ва ўзаро муносабат ўрнатилишидаги муаммоларнинг ечимларига қаратилди.

Банк ахборот хизмати

ОТАХОН ТЕАТР ва МАЪРИФАТПАРВАР ҲОМИЙ

Айни пайтда республикамизда 40 га яқин театр ва театр студиялари фаолият юритиб келаётган бўлса, улар орасида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри ўзига хос ўрни ва мавқеига эга. Сабаби театр бугунги кунга қадар жуда катта йўлни босиб ўтди, эл ардоғидаги не-не устоз санъаткорларни етиштириб, истеъдод соҳибларига ўз бағрини очди.

1939 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Майсаранинг иши” комедияси билан ўз фаолиятини бошлаган мазкур даргоҳдан Лутфихоним Саримсоқова, Соиб Ҳужаев, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Аббос Бакиров, Фароғат Раҳматова, Файзулла Аҳмедов, Марям Ихтиёрова каби ўзбек театр санъатининг чин маънодаги даргалари етишиб чиқди. Унда қўйилган спектакллар, сахна асарлари театр ихлосмандлиги манзур келиб, олқишларга сазовор бўлди.

бўйича биринчи ўринда бормоқда, десам янглишмаган бўламан. Сабаби, ҳали бирорта театр жамоаси ўзига бириктирилган ҳомийдан 1,5 млрд. сўмга яқин кўмак олмаган. Биз эса ўтган икки йил давомида шунча миқдорда моддий кўмак олиб, фаолиятимиз доирасида қатор ижобий натижаларга эришдик. Мисол учун, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ўтган йили театримиз учун янги микроавтобус ва юк машинаси харид қилинди. Бу республика



Бирок, нежаҳабки, замона зайли биланми, ҳаётимизга технологияларнинг шиддатли “юриши” биланми, бир мuddат театрларнинг томоша заллари ҳувиллаб қолди. Уша кезларни Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрининг умумий ишлар бўйича директор ўринбосари Хайрулла Ваҳобов шундай эъслади:

– Мазкур театрда энди иш бошлаган кезларим – 2006-2007 йиллари ҳамон эсимда: театримизга томошабинлар жуда кам келар, ҳатто томошабин йўқлигиндан айрим спектакл намойишлари бекор қилинарди. Театрда бир қонун бор: агар томоша залида 13 та томошабин бўлса, спектакль қўйилади, 13 тадан кам бўлса бекор қилинади. Бундан 12-13 йил илгари ўзбек театрлари мана шунанга аянчли ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлди. Уша кезлари театрларнинг моддий-техник базаси ҳам ўзига яраша, ҳаминқадар аҳволда эди... Шукрки, бугун Юртбошимизнинг ташаббуслари билан сузга, оҳанг ва рангга нисбатан эътибор, сadoқат яна қайтди.

Сир эмаски, бозор иқтисодиёти шариоитида ҳар қандай фаолият тури қатори, истеъдод вакиллари-нинг ижодий меҳнати ҳам муносиб рағбат ва эътиборга муҳтож. 2017 йилнинг 3 август куни дилларга туғиб юрилган орзу-ниятлар амалга ошди. Барча ижод ташкилотлар қатори Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри ҳам катта бир сунъатга эга бўлди. Юртимиздаги йирик тижорат банкларидан бири бўлмиш “Ўзсанотқурилишбанк” билан театримиз ўртасидаги қўшма қарор асосида “Дўстлар клуби” фаолияти ташкил этилди.

Театр ходимлари ва ижодкорлари учун яхши шарт-шариоит яратиш асосий вазифалардан бири саналади. Бироқ ўзингизга маълум, қулай шариоит ўз-ўзидан яралиб қолмайди ва албатта, маблағсиз ҳал бўлмайди.

Театр фаолиятини янада яхшилаш ва жамоанинг самарали ижод қилиши учун “Ўзсанотқурилишбанк” ўзининг беимнат кўмагини кўрсатиб, бизни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб келмоқда. “Дўстлар клуби” миз республика театрлари орасида ҳомийлик ва ҳамкорлик ишларини самарали амалга ошириш

бўйлаб қиладиган гастроль сафарларимизда анча енгилликлар яратди. Узунлиги 3-4 метр, энг кичиги 2 метр бўлган декорацияларни енгил машинага ортиб, ижодий сафарга отланиш жуда мураккаб, ҳатто имконсиз эди. Бугун бўлса, ижодий ходимларимизни олиб бориш учун автобус ҳам, сахна безакларимизни ташиш учун юк машинаси ҳам бор.

Шунингдек, банк театримизнинг моддий-техник базаси мустаҳкамла-ниши, зарур барча техник жиҳозлар хариди учун ўз ёрдамини ямади. Агар бу кўмакларни рақамларда айтадиган бўлсам, ўтган икки йил



«ДИЛДАГИ ДОҒ» спектаклидан

мобайнида янги сахна спектакллари либослари ва безаклари учун 169 млн. сўм, зарур жиҳоз ва мебеллар учун 235 млн. сўм, юк машинасига 297 млн. сўм, микроавтобусга 275 млн. сўм, енгил автомашинани сотиб олиш учун 102,2 млн. сўм, театр олдида афиша қурилмаси, электрон табло ҳамда ёриткич ўрнатиш учун 54 млн. сўм, театр музейини ташкил этиш учун эса 261,5 млн. сўм миқдорда ҳомийлик маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, “Дўстлар клуби” доирасида театр томошабинларини жалб қилиш ва банк ходимларининг мароқли ҳордик чиқаришини таъминлаш мақсадида ҳар ҳафта 200 та, бир ойда 800 тадан чипта сотиб олиш учун шартнома тузилиб, 6 млн. сўмлик чипталар харид қилинди. Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатова ва Марям Мухтороваларнинг Россия Федерациясининг Ялта шаҳрида жойлашган сийҳатгоҳда дам олиб келишлари учун йўлланма ва авиачиқтиларга керакли сўмма тўлаб берилди.

Албатта, бундай қўллаб-қувватлаш театр ижодий жамоасининг янада кўтаринки руҳда, самарали ишлаши учун тиррак бўлмоқда.

Х.Ваҳобовнинг сўзларига кўра, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри ўтган йилнинг ёз ойда Тожикистон давлатига гастрол сафари уюштирди. Бу ўзбек актёрларининг икки давлат мустақилликка эришганидан буён қўшни мамлакат сари илк гастрол сафари эди. “Жайдари келин” комедиясини намойиш этган ўзбек сахна усталари дастлаб Ҳўжанда, сўнгра Душанбе ва Бохтардаги театрларда чиқишлар қилишди. Албатта, гастрол сафари давомидаги йўл харажатлари барини банк ўз зиммасига олди. Шунингдек, “Дилдаги доғ” спектакли иштирокчиларини Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда қатнашишлари учун ҳам транспорт харажатлари қўллаб берилди ва иштирокчилик банк томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Жорий йилда ҳам икки ташкилот ўртасидаги дўстлик ришталари бардавом бўлиб, ҳамкорликда ўтган йиллардагин-да, кўпроқ ижобий натижаларга эришиш кўзда тутилган. Улардан бири сифатида айни пайтда театр ташкил этилганининг 80 йиллик юбилеи муносабати билан унинг тарихи ҳақида сўзловчи китоб-альбом нашрдан чиқарилаётганини қайд этиш мумкин. Банк бу борада ҳам яқиндан кўмак бермоқда.

Шунингдек, айни пайтда икки ташкилот раҳбарлари театр жамоасининг апрель ойда халқаро фестивал доирасида Туркия давлатига уюштиражак гастрол сафарини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида музокаралар олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари, театр жамоаси келгусида миллий, замонавий ҳамда жаҳон классик асарлари, айниқса бугунги кун талаблари доирасида долзарб мавзулардаги бадиий жиҳатдан етуқ сахна асарларини сахналаштиришни кўзда тутаяпти. Айни пайтда театр олдида “Тўмарис” ва “Ўткан кунлар” спектакли учун ҳомийлик маблағлари ажратилиш арафасида.

Банк томонидан кўрсатилаётган ушбу моддий кўмакларга жавобан театр ҳам кўндан келгунча миннатдорлик ташаббусларини кўрсатиб келмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг март ойдан бошлаб ҳар ой 300 та банк ходими спектаклларини томоша қилиш учун бепул таклифномалар билан таъминланмоқда. Шунингдек, турли байрамлар, банк тадбирларида театр ижодий жамоаси қўлидан келганча уларнинг мароқли дам олишлари учун хизмат қилмоқда.

– Театрда илгари умумий ҳисобда 235 та ходим фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 262 тага етган, – дейди Х. Ваҳобов. – Спектаклга ташриф буюрувчилар сони ҳам ҳозирги пайтда анчага кўпайган. Театр чипталарининг нархи ошганига қарамай, томоша элимизда йўқ деганда 100 та томошабин ўтиради. Албатта, буларнинг замирида бизга берилётган эътибор ва театримизнинг дўсти “Ўзсанотқурилишбанк”нинг моддий ва маънавий кўмаги ётибди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугун маърифатли дунёда йирик компаниялар, банклар ва фирмалар маданий ташкилотларга ҳомийлик қилишни ўзлари учун шараф деб билишлар. Бундай ҳомийликлар анъана тусига ҳам кириб улгурди. Аждодларимизнинг ҳам ўз даврида яратган илмий ва ижодий мактабларини вужудга келишида аввало, ана шундай маърифатпарвар ҳомийлари-нинг ҳиссаси беқеъис бўлган.

Юртимизда ҳам маданий ташкилотлар ва молия муассасалари ўртасида йўлган қўйилган “Дўстлар клуби” анъанаси бардавом экан, ижод ахли сермахсул ижод қилаверида, ўзбекининг сўзи, оҳанги ва тасвири эса дунё бўйлаб кезаверида.

Гўзал МАЛИКОВА,
«Банк ахборотномаси»
муҳбири

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОҶИБЛАРИ

Ричард Стоуннинг кашфиёти

Биз буюк иқтисодчи олим Ричард Стоун фаолияти билан таништирамиз. Бўлажак олим ўқиган Кингс-колледж ўша кезларда дунё иқтисод фани марказларидан бири саналар эди. Ўз даврининг кўзга кўринган иқтисодчи олими Жон Мейнард Кейнснинг маърузаларига қатнашар ва унинг уйда тўпланадиган сиёсий иқтисод клуби аъзоси эди. Кингс-колледждаги интеллектуал муҳит Стоуннинг илмий-ижодий имкониятларини ривожлантирди ва унинг олим сифатидаги истиқболни белгилаб берди.

Стоун 1945 йилда Принстон университети (Нью-Жерси) қошидаги фундаментал тадқиқотлар институтига ташриф буюриб, миллий даромадни ҳисоблашнинг халқаро қоидаларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалалар бўйича Миллатлар лигаси учун маъруза тайёрлади. Ушбу маъруза 1947 йилда БМТ томонидан «Миллий даромадни ўлчаш ва миллий ҳисобларни яратиш» номи билан нашр қилинди. Стоуннинг миллий ҳисобларнинг стандартлашган тизимини яратиш бўйича ишлари кейинги икки ўн йилликда турли вариацияларда давом этди. Натигада Стоуннинг мақолалари кейинчалик «Миллий ҳисоблар тизими» номи билан 1968 йилда БМТ томонидан китоб ҳолида чоп этилди.

Стоун тизими кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатлар учун қулай эди. Шунинг натижасида у мамлакат аҳолиси ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ўзида ифода этувчи демографик ҳисоб-китоблар тизимини яратди. 1975 йилда унинг «Ижтимоий ва демографик статистика тизими» номили асари нашр этилди.

Стоун ўзининг миллий даромадни ҳисоблаш ишларига кўшимча равишда истеъмолчилар хоҳиш-истакларини ўрганиш соҳасига ҳам улкан ҳисса қўшди. У истеъмол харажатлари ва жамғармалар тузилмаси даромадлар даражаси ва барча товарларнинг нисбий нархлари функциясини ўзида намоён этишини олдиндан айтиб берди. Стоун «Бозор талабнинг таҳлили» асари ва икки томда умумлаштирилган «Истеъмол харажатларини ўлчаш ва истеъмол харажатларининг ҳолати» асарини ёзиб нашр эттирди.

Стоун томонидан ишлаб чиқилган истеъмол харажатлари тизими назарияси қисман унинг миллий даромадни ҳисоблаш тадқиқотларидан келиб чиқди, chunki истеъмол харажатларини аниқлайдиган, такомиллаштирилган баҳолаш турмуш қийматини анча аниқ индексларини тузиш ёки нархларни ялли инфляциясини энг тўғри ўлчашни таъминлар эди. Униси ҳам, буниси ҳам нисбий нархларда ўзгаришлар рўй бераётган даврларда реал миллий даромаддаги ўзгаришларни ўрганиш учун катта аҳамиятга эгадир. Стоуннинг мураккаб назарияси



«Иқтисодий ўсишнинг Кембриж лойиҳаси» гуруҳининг ишида намоён бўлди. Бу гуруҳ Британия иқтисоди ўсишининг эконометрик моделини яратиб, уни «Ўсиш дастури» номли кўп томли асар кўринишида нашр эттирди.

Бугун дунё миқёсида Стоун новаторлик ишлари тан олинди, иқтисодиёт фани ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси учун у 1984 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотида сазовор бўлди. Швеция қиролик фанлар академиясининг аъзоси Эрик Лундберг лауреатнинг тақдирот маросимида сўзлаган нутқда Стоун томонидан ишлаб чиқилган миллий ҳисоблар тизимини «циклик ва тузилмавий таҳлилнинг зарур воситаси», деб атади. Лундбергнинг таъкидлашича, айни вақтда улар миллий бюджетлар шаклида иқтисодий истиқболларни белгилашга таянадиган доимий хужжатли асосни ташкил этади.

Абдумажит ТўРАЕВ,
физика-математика фанлари
номзоди

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Нотариусга зарур иш билан бориб, навбат кутишимга тўғри келди. Дикқинафас йўлакда тургим келмай ташқарига чиқдим. Қўйилган ўриндиқлардан бирида олтимши ёшлардан ошган, зиёлинома кийинган киши ёнидаги қўйиб қўйгандек ўзига ўхшаган йигит билан суҳбатлашиб ўтирарди. Мўйсафид салмок билан сўзлар, унинг гапларига беихтиёр қулоқ тутдим.

Қимматли мерос

— Ўғлим, — деди у йигитга. — Мана энди мустақил яшайсан. Аслида инсон ҳар тарафлама мустақил бўлиши, фикрлаши, қарор қабул қилиши керак. Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, ота-она, яқинлар кўмагисиз ҳулосага келиш зарур. Бунда, аввало, оқни қорадан, дўстни душмандан, яхшини ёмондан фарқлашнинг муҳим.

либ тинмаганман, энди болаларим шоҳона яшасин, деган одам катта хатога йўл қўяди. Меҳнат инсонни қарамликдан сақлайди, унга обрў келтиради. «Сендан ҳаракат — мендан баракат», дегани шу.

Мана, ўзинг ва ака-укаларингнинг пешона тери эвазига сенга ҳовли сотиб оляпмиз, бунинг қадрига ет. Тўкилиб, нураб ётган уй



Мен сизларга ота бўлиб ҳеч қачон ваъз ўқимадим, фақат ўрнак бўлишга ҳаракат қилдим. Масъул лавозимларда ишласам ҳам, манманликка берилмадим, ўзганинг ҳақини емадим, биров билан уришиб-талашмадим. Меҳнатдан қочмадим. Ўзим ҳам ёш бўлганман, биламан ёшлар насихат эшитишни ёқтирмайди, chunki улар ўзини энг доно, деб фахмлайди. Шундай бўлса-да, ота сифатида дилимдагиларни айтишим керак.

Зиёлисан, давлат қорхонасида ишлайсан. Фақат маошга кун кўриш осонмас. Қўлингда бир неча хунарининг бор. Хунарни асраб юриб нетасан, шуларни ишга сол. Бировга тобе бўлишдан эҳтиёт бўл. Қара, манави каптарларни. Улар бир ҳовуқ дон учун миттигина болакайга тобе, разам солгин, ҳуштак чалса самодан, эркинликдан унинг ёнига қайтиб келяпти. Мусича мушфикқина, чумчүк жимитгина куш бўлса ҳам, ўз донини ўзи териб ейди. Фарзандларингга ҳам ёшлигидан ўз нонини ҳалол қилиб топиб ейишини ўргат. Сизларни болаликдан касб-ҳунарга ўргатдим. Меҳнатнинг нони қаттиқ, лекин ширин бўлишини яхши биласан, ўғлим.

Ёшлигимдан меҳнат қи-

эркакнинг ношудлигини кўрсатади. Ховлининг ҳам ҳовлидай ҳаражати бор.

Коммунал тўловларни вақтида тўламаганнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Бу мулкни асраш, дид билан таъмирлаш, авлодларга муҳташам ҳолда топшириш, аввало, эркакнинг вазифасидир.

Ховлини шаҳарнинг баҳаво жойидан олдик. Суриштирдим, қўшниларинг бамаъни, кўпни кўрган одамлар экан. Сен, келин, неваралар уларнинг иззатини жойига қўйинглар. Тўй-маъракаларда уйингнинг тўри уларники бўлсин. Ўзинг ҳам қўшниларнинг яхши-ёмон кўнларига доимо хизматда бўл. Тансқ таомларингдан уларга илин.

Рўзғорда исрофгарчиликка йўл қўйма. Ҳамма нарса-бир ҳовуқ дон учун миттигина болакайга тобе, разам солгин, ҳуштак чалса самодан, эркинликдан унинг ёнига қайтиб келяпти. Мусича мушфикқина, чумчүк жимитгина куш бўлса ҳам, ўз донини ўзи териб ейди. Фарзандларингга ҳам ёшлигидан ўз нонини ҳалол қилиб топиб ейишини ўргат. Сизларни болаликдан касб-ҳунарга ўргатдим. Меҳнатнинг нони қаттиқ, лекин ширин бўлишини яхши биласан, ўғлим.

Шу пайт отанинг гапи бўлинди. Эшикдан котиба киз: «Зиёдуллаевлар, навбатингиз келди!» — деб ота-болани ичкарига чорлади.

Фарзандига ҳовлидан ҳам қимматли бўлган одамийлик дея аталмиш улғу мерос қолдираётган бу ҳазрати инсонга таҳсин ўқидим.

Насиба АБДУЛЛАЕВА

ИЖОДГУЛШАНИ

Умида ХУДАЙБЕРГАНОВА

Антиқа гул

(Ҳикоя)

Эскириб, тахталари ёрилиб кетган эшик гижирлаб очилди. Остонада сўнқ кўзлари тубига чўккан, оппоқ соқоли ажинли юзининг ярмини қоллаган мўйсафид кўринди. Эғнида оқаринқираган кўкимтир чопон. Узун энги ичида кўринмаётган қўллари билан бесўнақай, аммо бақувват ҳассага сўянган. У шу кўйи бир зум турди-да, ижозат ҳам сўрамай, такаллуф ҳам кутмай, чопони этагини ориқ қўллари билан тортиброк остона ҳатлади.

Сува узра ўрмалаган ток япроқлари ўйнаётган саболарга ҳалларини бериб, кенг, бир оз чўккан елкасини устунга сўяб, хаёлга чўмиб ўтирган боғбон эшикнинг гижирлашдан сергак тортиди. Ҳасасини бир-иқки ерга тўқиллатди. Юзида ҳалим бир табассум пайдо бўлди. Ҳар иккаласи бир-бирига кўз ташлаб сониялар ичра сўзсиз танишишди. Кириб келган мўйсафид шу ҳолатда узок туражакдай, қўлларини ҳассага қўйди.

Боғбон устунга тиранганча супадан



тушди. Меҳмонга пешвоз чиқди. — Ассалому алайкум, меҳмон. Хуш кўрдик. Қани, қани супага.

Мўйсафид алик олarkan, ўзидан ёшироқ кўринаётган боғбонга зеҳн билан тикилди. Боғбоннинг чайирдек қотган катта кафти оппоқ ягати энгидан осилиб турар, йўғон бўйнидан бўртиб чиққан томирлари салқинган, ҳали ҳаёт нашидаси кетмаган кўй кўзлари тик қарайди. Кўз атрофини сўвга отганда пайдо бўладиган халқалар каби ажинлар қоплаган. Меҳмоннинг қақраган лабларида ташналик изларини кўрган боғбон пиёлага чой қўйди. Патнисдаги қип-қизил олмаляр, узум, шафтолилардаги сув томчилари кўёш нурида йилт-йилт қилади. Меҳмон букчайган елкасини устунга бериб чой хўпларкан, серся боғ дарахтларидан кўзини узмай, боғбон сўзларига қулоқ туттади.

— Кўряписими, ана чапдаги шафтолини, ўтган йили курий бошлаганди. Шукрим, бу йил яна кўкарди.

Салом-алиқдан сўнг бирор калима сўзламаган меҳмон узун соқолини тутамлаб-тутамлаб, бош ирғарди. Боғбоннинг сўз аро қизиқсиниб қарашларида қандайдир ажабланиш сезиларди. Мўйсафид боғбон сабрини синаётган эди, елкалари янада букчайиб, кўзлари янада ичга чўккандай. Боғнинг пинҳон жойларини кўриш иштиёқидидаги ўткир нигоҳлари у дарахтдан бу дарахтга кўчади. Пишиб кетган, тонг шабнамлари қуримаган қирмизи шафтолиларнинг юкидан эгик шохлари шамолда эриниб тебранади. Қўзил сарғиси олмаляр. Маъшуқа ўз ёридан уялиб юз ёпгандай қуюқ япроқлар ортига яширинган.

Боғнинг ярми бемалол кўринадиган пахса ёқалари анжир. Супанинг атрофи гулзор. Атиргул, райхон ва яна қандайдир аралаш ёқимли ҳидлар энгил сабода атрофга таралади.

Мўйсафид нигоҳида бир қатъият уйғонди, боғбонга ишончга тўла раҳмат назарини бурди. У эса, меҳмоннинг ўй дарёсида эркин сузишига изн бериб, осмоннинг беғубор юзидан оқиб ўтаётган булутлар тизимини мароқ билан кузатарди. Бу унинг бефарқлигиданмас, бағри кенглигидан нишона эди.

(Давоми келгуси сонда)

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Bank» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати

Тел: 99897 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги

ЎЗА

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўча-

сини, 23-уй e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz телеграм каналими

@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси» да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар такрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта — пайшанба кунини чиқайди.

Буюртма № г 203

Адади 2549 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 20.02.2019 й.

1 2 3 4 5 6